БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 34 (4133)
11 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ҲАММА ИШТИРОК ЭТАДИ

4-дон маҳсулотлари комбинати коллективи москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг 19 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича ташаббусини Ҳамза районидаги меҳнат коллективлари орасида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватл а д и. Шу масалага бағишлаб корхонада ўтказилган ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишида партия ташкилотининг секретари Н. Карачелцев, 1-гуруч цехи бошлиғи Равил Муҳамедзянов, 2-гуруч цехининг смена мастери А. Шаульский, слесарлар бригадаси бошлиғи М. Ткаченко ва бошқа ўртоқлар нутқ сўзлаб, коллективни, шу куни ҳар вақтдагидан унумли меҳнат қилишга чақирдилар.

Комбинатда директор А. Иванов бошлиқ шанбаликни ўтказиш штаби тузилди. Бу штаб куни-кеча эълон қилган тадбирлар планида шанбалик куни 180 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига юборилиши таъкидланган.

Шанбаликда коллективнинг деярли ҳамма аъзолари —520 киши иштирок этади. Инженер-техник ходимлар, хизматчилар корхона территориясини ободонлаштириш, гулзорларини ишловдан чиқариш билан шуғулланадилар. 500 тупга яқин гул ва буталар экилади. Комбинат атрофидаги сув шахобчалари тозаланади. Шу куни иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.



Сафура Абдуллаева 15 йилдан бери «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозир ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот топшираётган бу аёл ёшларга ўз касби сирларини сидқидилдан ўргатмоқда.

СУРАТДА: Сафура Абдуллаева шогирди Мунира Нуриддинованинг ишини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

Ленинча меҳнат вахтасида

ЮЗ ХИЛДАН ОШДИ

Шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар хили 106 тага етди. Куни кеча бу ерда болаларнинг спорт костюмига ҳамда аёлларнинг икки моделдаги кўйлагига фахрли белги қўйила бошланди.

Утган йилнинг ўзида коллектив савдо ташкилотларига Сифат белгиси қўйилган 10 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берди. Маҳсулотларнинг сифатли бўлишида Н. Эргашева, А. Гладкова, Ф. Ягудина сингари ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар ҳозир 1983 йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бирлашмада ҳозир уч мингдан ортиқ ишчи шахсий беш йиллик планини доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш учун курашяпти.

Б. УСМОНОВ.

ФАХРЛИ БЕЛГИ БЕРИЛДИ

Енгил саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг яна ўн уч моделдаги буюмига Сифат белгиси берилди. Эндиликда бирлашмада фахрли беш қиррали белги билан тайёрланаётган буюмлар хили 91 тага етди.

Корхона коллективи ўтган йили ана шундай буюмлардан 30 миллион 977 минг сўмлик реализация қилган бўлиб, бу ялпи маҳсулотнинг 41 ярим процентини ташкил этди. Бирлашма ишчилари сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида бу кўрсаткични эллик процентга етказишга аҳд қилишган.

НАВБАТДАГИ БУЮРТМА

Тошкентдаги автоматлашган бошқарув системалари лойиҳа-конструкторлик бюроси мутахассислари Қозоғистон ССРнинг Жамбул шаҳридаги жунга ишлов бериш фабрикасининг буюртмасини бажаришга киришдилар. Ана шу корхона учун яратилаётган бошқарув системаси планлаштириш-ни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради.

Автоматлашган бошқарув системаси яратиш учун 300 минг сўм сарфланади. АСУ жорий этилгандан кейин эса корхона бир ярим миллион сўмлик иқтисодий самара кўради.



Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-цех тикувчиси Манзура Маликова шу кунларда 1982 йилнинг январь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Комсомол аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори бўлган М. Маликова смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб адо этиш билан бирга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Х. Отабоев фотоси.

Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

ТРАНСПОРТ КОНВЕЙЕРИ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

«Шунингдек саноат, қурилиш, савдо корхоналарининг вагонларга ўз вақтида юк ортиш-туширишга бўлган масъулиятини ошириш зарур».

(Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленумида сўзлаган нутқидан).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларида темир йўл транспорти фаолиятини яхшилаш бўйича айтилган кўрсатмаларни амалга ошира бориб, Тошкент шаҳрида темир йўл вагонларига юк ортиш-туширишни яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди.

Темир йўл вагонларига ўз вақтида юк ортиш-туширишни таъминлаш бўйича район ва шаҳар штаблари тузилди. Бу штабларга барча темир йўл станцияларида вагонлар алмашуви бўйича ахборотлар келиб туради, жойлардаги ишнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинади.

Ҳар ҳафтанинг жума куни темир йўл транспорти раҳбарлари, вагонлардан юкларни ўз вақтида тушириб олмаётган корхоналар ва ташкилотлар, станцияларга хизмат қиладиган автотранспорт корхоналари раҳбарлари иштирокида шаҳар штаби мажлиси ўтказилади.

Кеча шаҳар штаби мажлисида темир йўл вагонларини мунтазам нормадан ортиқ туриб қолишига йўл қўяётган «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари Р. Маҳкамов, 1-пардозлаш тресси бошқарувчиси ўриносари И. Мирзоҳидов, махсус монтаж бошқармаси бош инженери А. Огай ва «Ташсельмаш» заводи транспорт бўлими бошлиғи А. Кузякин ҳисоб бердилар.

Жумладан, «Средазкабель» заводи Луначарский станциясида 26 январда иккита вагонни, 2 февралда 4 та вагонни ўз вақтида бўшатмади. Натижада якшанба куни 5 та вагон бўшатилмай қолди. Шундай қилиб дам олиш куни бу вагонлар «дам олди».

1-пардозлаш трести ишлаб чиқариш-технология комплектация бошқармаси Собир Раҳимов станциясида 29 январда бешта вагонни, 4 февралда 5 та вагонни, 5 февралда 2 та вагонни, «Ташсельмаш» заводи эса Тошкент юк товар станциясида 6 февралда битта вагонни, 7 февралда битта вагонни, «Спецмонтаж» бошқармасининг 159-ремонт корхонаси бошқармаси битта вагонни уч кун бўшатмади.

Штаб мажлисида шу нарса маълум бўлдики, корхоналарнинг ҳамма раҳбарлари ҳам темир йўл транспортининг бир маромда ишлашидек муҳим халқ хўжалиги вазифасини ҳал этишга чуқур масъулият билан ёндошмайдилар. Жумладан, А. Кузякин («Ташсельмаш» заводи) Тошкент товар станциясида вагоннинг ўз вақтида бўшатилмаганлиги учун зиммасига тушадиган масъулиятдан қочиб, шундай баҳона қилди: «Орол бўйидан музлаган туз олиб келгандик. У худди метиндек қаттиқ, ҳатто механизмлар билан ҳам майдалаёлмаяпмиз».

Бироқ текширишди. Ўртоқ Кузякин ёлғон гапиргани маълум бўлди.

Ўзбекистон сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташхлебторг», «Узплодоовощ в и н п р о м»нинг махсус базаси ҳам вагонларни вақтида бўшатишга дуруст эътибор бермаяпти. Агар 7 февралда Тошкентда 7 та вагон бўшатилмай қолган бўлса, шундан 3 таси «Узплодоовощвинпром»нинг махсус базасига қарашли эди.

Саноат корхоналарида кўпинча темир йўл бир маромда ишламаётганлиги туфайли металл, ускуналарни вақтида ололмаяпмиз, буюртмачиларга маҳсулотларимизни ўз вақтида жўнатолмаяпмиз, қабилидаги шикоятларни эшитиш мумкин. Айни вақтда худди шу меҳнат коллективларининг айби билан ўз вақтида вагонлар алмашуви таъминланмаяпти. Бунинг оқибатида пўлат магистралларда иш мароми бузиляпти. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди.

ҚУДРАТЛИ ОҚИМ

Тошкент темир йўли бўлинмасининг пўлат ишлар чавандозлари беш йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда муносиб сурътлар билан бошладилар. Улар халқ хўжалиги учун зарур бўлган юкларни манзилларга пешмапеш етказиб бермоқдалар. Оғир составларда қурилиш материаллари, турли хил машиналар, экскаваторлар, кўмир, цемент, минерал ўғит ташилмоқда.

Темир йўлчилар йил бошидан буён етказиб берган халқ хўжалик юклари 2 миллион 100 минг тоннадан ошиб кетди. Шунча юкни ташиш учун 44 мингтага яқин темир йўл вагони ишлатилди.

Пўлат изларнинг шунқорлари пролетариатнинг улуг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Улар тўрт ойлик топшириқни апрелнинг ўрталарида бажариш, коммунистик меҳнат шанбалигида планга қўшимча икки минг тонна юк ташиш ниятидалар.

Ота-оналар учун

Куйбишев районидаги «Юлдуз» маданият уйи қошида болалар драма тўгараги ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Куни кеча ҳаваскор артистлар ўзлари тайёрлаган дастлабки спектакль — «Қизил гул»ни ота-оналари ва ўқитувчилари кўригидан ўтказишди. Кичкинтойлар тайёрлаган спектаклни 112, 22-мактабларнинг ўқувчилари ҳам қизиқиш билан томоша қилишди. Эндиликда улар бу спектаклни сайлов участкалари ва агитпунктларда ўтказиладиган бадиий кечаларда қўйиб беришади.

Маданият уйи қошидаги ашула ва рақс, вокал-чолғу, бадиий ўқиш тўгараклари ва балет студияси қатнашчилари ҳам жойларда ўтказилаётган маданий тадбирларда фаол қатнашишяпти.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ХАЛҚ МЕРОСИНИ АСРАЙЛИК

Наманганнинг беш юздан ортиқ аҳолиси шаҳар ижроия комитети ҳузурида очилган тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш халқ университетининг дастлабки тингловчилари бўлди. Тингловчилар биринчи машғулотда ёдгорликларни муҳофаза қилиш шаҳар жамиятининг фаолияти билан танишиб чиқдилар, «Самарқанд ҳамиша мен билан» деган ҳужжатли фильмни томоша қилдилар.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ

Олтинкўлдаги 127-ҳунар-техника билим юртининг филиали очилди. Бу филиал Москва районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида ташкил этилган бўлиб кенг профилли механизаторларни тайёрлашга ихтисослаштирилган. Қишлоқ мактабларини яқиндагина битириб чиққан 35 нафар йигит ва қиз филиалнинг дастлабки ўқувчилари бўлишди.

Колхоз махсус дарсхоналарни жиҳозлади, хўжалик ўқув мақсадлари учун қишлоқ хўжалик машиналарини ажратиб берди. Шу йилнинг кўкламиданоқ, филиал тарбияланувчилари колхоз далаларида биринчи марта шудгор қиладилар.

НОРИНДА АВТОВОКЗАЛ

Норин районининг транспортчилари янги бинога кўчиб киришди. Ҳаққулобод район марказида янги автовокзал ишга тушди. Бу ерда пассажирлар учун барча қулайликлар кўзда тутилган — қулай юмшоқ мебели бўлган шинам кутиш зали, она ва болалар хонаси, буфет, маиший хизмат кўрсатиш ва алоқа бўлимлари бор. Ана шу автовокзалдан сафарга йўнаб кетган автобуслар да областнинг ҳамма томонларига, республикадаги кўпгина йирик шаҳарларга бориш мумкин.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Наманган областида учта янги автовокзал очилди. Энди автосервиснинг 14 та корхонаси, айни бир вақтда 40 мингдан кўпроқ пассажирга хизмат қилиши мумкин.

[ЎзТАГ].

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Пухта тараддуд

«24 февраль — Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар кунидир. Ҳамма — сайловга!» — Чилонзордаги ёш физиклар ва математиклар республика мактаб— интернати биносида жойлашган 19-сайлов участкасига кириб борар экансиз, кўзингиз сайловлар кунини кўрсатувчи ана шу сўзларга тушади. Бу ерда чиндан ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Агитпункт (агитпункт мудири—мактабинтернат директори Т. Комилов) файзли қилиб безатилган. Шунинг учун ҳам айниқса, оқшом пайтлари агитпункт сайловчилар билан жуда гавжум бўлади. Бу ерда улар бир кунлик ижодий меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар, радиодан янгиликларни тинглайдилар, телевизор томоша қиладилар.

Шуни айтиш керакки, агитпункт деворларига улуг доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг шонли 110 йиллик юбилейига бағишланган турли хил экспонатлар, дофиянинг асарлари, унинг ҳаётини акс эттирувчи альбомлар кўйилган. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» эпопеясига бағишланган стендлар ҳам бу ерга ташриф буюрувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундан ташқари агитпунктга қўйилган стендларда сайловдан сайловгача бўлган давр ичида район, республика, шаҳар ҳаётида юз берган беқиёс ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи бой материаллар бор.

Агитпунктда 24 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларда биринчи марта овоз берувчилар бурчаги ташкил этилган. Шунингдек, юрист-консульт столи ҳам мунтазам равишда ишлаб турибди.

— Биз ишни агитпункт бўйича тузиб чиқилган план асосида олиб бораяпмиз, — дейди 19-сайлов участкаси комиссиясининг секретари, ёш физиклар ва математиклар республика мактаб-интернатининг ўқитувчиси Тўлқин Шокиров.— Бу ерда участка сайлов комиссиясининг йиғилиши юксак савияда ўтказилди. Шу кунларда халқимизнинг муносиб ўғилларини —депутатликка номзодларни кўрсатилган кишилар билан учрашувга қизғин тараддуд кўрмоқдамиз. Бундан ташқари мактабимиз агитаторлари сайлов олди агитация ва пропаганда ишларини қизғин олиб боришяпти. Уларнинг аҳволи ўртасида олиб бораётган суҳбатлари барчага манзур бўлмоқда.

Чиндан ҳам мактабнинг 28 нафар агитатори ўзларига топширилган топшириқни сидқидилдан бажаришмоқда. Улар аҳоли яшайдиган жойларда бўлиб, совет сайлов системаси ҳақида, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, сайловдан-сайловгача бўлган давр мобайнида юз берган катта ўзгаришлар ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар. С. Исҳоқов, Г. Саъдуллаева, М. Бурязов, Ш. Бекмуҳамедова сингари агитаторларнинг шу кунлардаги олиб бораётган ишлари чиндан ҳам ибратлидир.

Бир сўз билан айтганда, сайлов участкасида 24 февралда ўтказиладиган сайловларга ҳар томонлама пухта тараддуд кўрилмоқда.

С. СОЛИЕВ.



Шаҳримизнинг Киров районида Узбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

СУРАТДА: райондаги 39-сайлов участкасининг сайловчилар клубида. Бу ер агитаторлар, сайлов комиссиялари аъзолари билан ҳамиша гавжум бўлади. Сайловчилар билан турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар, депутатликка номзодлар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

М. Нуриддинов фотоси.

Қурилиш ишлари бошланди

Шаҳримизнинг Максим Горький проспектида янги 32 квартирали турар жой биноси қурилиши бошланди. Бу ишни «Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг 38-қурилиш бошқармаси. даги В. Лаутеншлегер бошлиқ участкаси қурувчилари амалга оширишяпти. Б. Мушкарев бошлиқ бригада қурувчилари куни-кеча бу ерда пойдевор учун ер қазиш ишларини амалга оширишга киришдилар. Бу бригадада меҳнат Н. Злобин методи асосида ташкил этилган. Бу нарса коллектив тезда ва соз ишлаш, кунлик қурилиш-монтаж ишлари топшириғини ортиғи билан бажариш имконини бермоқда.

Коллектив СССР Конституциясининг уч йиллигига қадар янги бинони фойдаланишга топширишга аҳд қилган.

ЗАВОД «ОҚШОМИ»ГА

243-механизациялашган кўчма колонна коллективида бригаликда дам олиш кечаларини уюштиришдек яхши анъана бор. Мана, куни кеча корхонанинг қизил бурчагида завод «оқшоми» бўлиб ўтди. Унга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари оила аъзолари билан таклиф этилди. Комсомоллар «оқшом» меҳмонлари учун қизиқарли, ранг-баранг программа тайёрлашган эдилар. Йиғилганлар олдида агитбригада аъзолари, заводнинг «Ёшлик» вокал-созлеу ансамбли ўз маҳоратини намойиш этди.

ПРАВДА саҳифаларида

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Польша бирлашган ишчи партияси VIII съездига йўллаган табриги эълон қилинган.

● Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов бошчилигидаги КПСС делегацияси ПБИП VIII съезди ишида қатнашмоқ учун 10 февраль куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

● Эрон халқи ҳаётида янги давр очиб берган революциянинг бир йиллиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Эрон Ислом Республикасининг раҳбари Оятулло Хумайнига ва Эрон Ислом Республикасининг Президенти Абулҳасан Банисадрга йўллаган табриклари босилган.

● «Совет турмуш тарзи» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мэмлакатимиз ҳаётига дэир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари эълон қилинган.

Мактаб стендида-завод тарихи

35-мактаб ўқувчилари Тошкент трактор заводи ривожланишининг асосий босқичларини акс эттирувчи махсус стенд тайёрладилар. Улар тўпланган фотосуратлар ва ҳужжатлар завод цехларининг барпо этилиши ва янгиланиши ҳақида, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақида, ишлаб чиқариш илғорлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Завод кўп йиллардан буён мактабни ўз оталиғига олган. Саноат корхонаси билан ўқувчи юрти ўртасидаги алоқалар доимо мустаҳкамланиб бормоқда. Педагоглар коллектив ва трактор созлар мактаб ўқувчилари меҳнат тарбиясининг ягона планини ишлаб чиқдилар. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш заводнинг болаларга ёрдам бериш ишида алоҳида ўрин эгаллайди.

35-мактаб трактор заводи ўз оталиғига олган бешта мактабнинг биридир. Ана шу мактабларни битириб чиққанларнинг кўпчилиги ҳозир корхонада меҳнат қилмоқдалар. Утган йилнинг ўзидагина оталиқдаги мактабларнинг юздан ортиқ йигит ва қизлари Тошкент трактор заводига ишлаш учун келишди.

[ЎзТАГ].

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ХАТАРЛИ ТИЛ БИРИКТИРИШ

АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский Вашингтон маъмурияти агрессив ташқи сиёсат йўлининг ижодчиси, деган ҳунук ном билан анча вақтдан бери шуҳрат қозониб келган кишидир. У яқинда ғина Покистонга қилган визити вақтида ҳам Америка президенти атрофидаги энг яқин асосий «қузғун» эканлигини тасдиқлади. Бжезинскийга ҳамроҳ бўлиб шу мамлакатга бораётган АҚШ ҳарбий махкамасининг вакиллари сафарга жўнаб кетаётган вақтдаёқ уларнинг асосий вазифаси «аввало Афғонистон билан чегарада ҳарбий режаларни тузишдан ва у ерга таубицалар, танкка қарши қуроллар, зенит ва радар қурилмалари юборишни планлаштиришдан иборат» эканлигини журналистларга очиқдан-очиқ сурбетлик билан айтган эдилар.

Президент ёрдамчиси Покистонга ўзи билан бирга олиб келган генераллар ва полковниклар бутун тиғи демократик Афғонистонга қаратилган нуқул ҳарбий режаларни ишлаб чиқишга киришган ҳамон, Бжезинскийнинг ўзи АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Кристофер билан бирга Вашингтоннинг асосий топшириғини, яъни Покистон территориясини Жанубий ва Ғарби-Жанубий Осиё районида Америка империализмининг ҳарбий стратегик плацдармига айлантиришни кўзда тутиб, Покистон ҳарбий режими билан тил бириктиришга киришди.

Покистон пойтахти Исломободдаги музокаралар вақтида афғон халқига қарши курашиш учун ёлланганларнинг қуролли шайкаларини тузиш ва тайёрлаш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, АҚШ президенти вакиллари Исломобод режимини жиноий тил бириктиришга осонгина кўндирдилар. Қўшма Штатларнинг Покистон ҳарбий маъмурларига тўлайдиган ҳизмат ҳақи тўғрисидаги масалагина бироз машмашага сабаб бўлди. Покистон генераллари ақалли 2 миллиард доллар тўлашни талаб қилдилар. Вашингтоннинг намояндалари эса 400 миллион долларни таклиф этиб, кейинчалик уни кўпайтиришга ваъда қилдилар. Қандай бўлса ҳам томонлар 1959 йилги Америка-Покистон битимини қайтадан кўриб чиқиш ва уни Покистонга кенг ҳарбий ёрдам бериш мажбурияти билан тўлдириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

Вашингтон ва айни вақтда Пекин билан мустаҳкам сиёсий ва ҳарбий алоқаларни мустаҳкамлаётган Исломобод режими Америка империализми, шунингдек Хитой гегемонизмининг ҳавфсизлиги учун, шу жумладан Покистон халқининг ўзи учун хатарли оқибатларга сабаб бўлади.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳловчиси.

• В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига

АҲДИ БОРГА—ОМАД ЁР

Бутун мамлакатимизда жаҳон меҳнат кашларининг буюк дўҳйси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қизғин тайёргарлик кетаётган ҳозирги кунларда шаҳримиздаги бир гуруҳ саноат корхоналари коллективлари шоҳли санани муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу ташаббус шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди. Ҳозир доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш учун барча меҳнат коллективлари аниқ тадбирлар белгилашаяпти, социалистик мусобақани ҳар томонлама кенг қулоч ёйдириб меҳнат қилишаяпти.

Шоҳли санани муносиб кутиб олиш бўйича ташаббус бошлаган корхоналар орасида «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам бор. Бирлашма коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани ташкил этишни янада такомиллаштириш асосида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат активлиги, ташаббускорлигини ошира бориб 22 апрелга қадар пландан ташқари 532 минг сўмлик, йил охирига қадар 1,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди. Ун ҳид янги буюмни ўзлаштириш белгиланди. Буюмларнинг 20,6 процентга давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилиши таъминланади. Тўрт бригада, 250 ишчи доҳий юбилейига қадар ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олди. Мебелсозлар хом ашё ва ёнилғи, энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан, рационал фойдаланиш ҳисобига 17,3 минг сўмлик хом ашё ва материалларни, 160 минг киловатт-соат электр энергия, 183 тонна шартли ёнилғи тежашга аҳд қилдилар. Бу гоят катта ва шарафли вазифадир. Корхонада бу юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, беш йилликнинг якунловчи йилида самарали меҳнат қилиш учун пухта замин яратилган.

Мебелсозлар қаторасига ўн саккиз квартал дан бери СССР ўрмончилик ва ёғочсозлик саноати ҳамда Бутуниттифоқ ёғочсозлик саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келишаяпти. Ўтган йили ҳамма кварталларда Собир Раҳимов район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан ташкиллаштирилди. Беш йиллик бошидан бери бир неча марта коллектив номи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди. Коллектив ўтган йили ҳам самарали меҳнат қилди. Жами 40 миллион 825 минг сўмлик маҳсулот реализация этиб, белгиланган план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди.

Бирлашма коллективи республика мебель саноатининг 40 процентга яқин маҳсулотини беради. Шу боисдан бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам хилма-хил. Бирлашманинг бешта фабрикасидаги тайёр маҳсулотлар омборидан ҳар куни республиканинг савдо тармоқларига турли-туман мебель буюмлари жўнатиб турилибди. Булар орасида айниқса ётоқхона наборн, кабинет наборн, хонтахта каби давлат Сифат белгисини олган буюмларнинг бозори чаққон.

Аммо, очиқ айтиш керак, ҳали корхонанинг ҳамма буюмлари ҳам харидорларнинг ўсиб бораётган талаблари даражасида эмас. Давлат стандартлари даражасидан паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳоллари ҳамон юз бераяпти. Маҳсулот сифатсизлиги тўғрисида савдо ташкилотлари рекламациялар юбориб туришибди.

Бирлашма мебелларининг ҳамиша ҳам талаблар даражасида бўлмаётганлиги аввало, республикамизда мебель саноати нисбатан ёшлиги, корхонада илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ўзаро назоратни кучайтиришга етарли эътибор берилмаётганлиги оқибатидир. Аммо, коллектив буюмлари сифати борасидаги нуқсонларни бартараф этади, келгусида маҳсулот сифатини яхшилашда, меҳнат самарадорлигини оширишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритади, деб умид қилишга тўла асос бор. Бу соҳада корхонада катта ташкилий-техник тадбирлар плани амалга оширилаяпти. Сўнгги йилларнинг ўзида корхонада бир қатор ярим автоматик ва автоматик линиялар ўрнатилди. Булар мебель деталларини такрорий қайта ишловдан чиқарадиган, шитларни силлиқлайдиган, мебелни лаклайдиган линиялар, бир қатор станоклардир. Корхонада булардан ташқари ролганлик алоқалар системаси, ёрдамчи ишчилар учун нормаланган топшириқлар системаси жорий этилаяпти. Бу системага бош механик ва бош энергетик хизмати ўтказилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, буюмлар сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Сўнгги йилларда айниқса буюмлар сифатини яхшилашда янги декоратив элементлардан кенг фойдаланила бошланганлиги, синтетик материаллар жорий этилаётганлиги муҳим янгилик бўлди.

Шу кунларда бирлашмада доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. 2-фабрика мебелсозлари бирлашманинг чешқадам коллективларидан саналади. Бу коллектив ўтган йилдаги социалистик мусобақада мунтазам совринли ўринларни эгаллаб, тўрт йиллик топшириқни муддатидан 35 кун илгари бажаришга муваффақ бўлганди. Янги йилнинг дастлабки ойи топшириғини ҳам бу коллектив барча кўрсаткичлар бўйича орлиги билан адо этди. Фабрикининг ўнлаб ишчилари шахсий беш йиллик топшириғини доҳий юбилейига қадар бажаришга аҳд қилган.

Бригадалараро социалистик мусобақада бош корхонадаги Шоанвар Шоюнусов бошлиқ мебелсозлар пешқадамлик қилишаяпти. Бу коллектив бирлашмадаги беш йиллик топшириғини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бажаришга аҳд қилган тўртта бригаданинг биридир. Бригададаги ўн етти ишчининг ҳаммаси ўхшаш касбларни яхши билган, интилувчан, бағайрат кишилар. Ш. Шоёқубовнинг ўзи корхонада 25 йилдан бери меҳнат қилади. Коммунистик меҳнат зарбдори унвонига эга. У шахсий беш йиллик топшириғини 1978 йилнинг июль ойида бажарганди, йил охиригача ўн биринчи беш йиллик топшириғини ҳам уддалайди. Бригадага давлат Сифат белгиси бўлган кабинет наборлари, хонтахта ишлаб чиқариш топширилган. Мебелсозлар бу вазифани муваффақият билан уддалашаяпти.

Бригада коллективи бир неча йилдан бери Иваново шаҳридаги «Ивановомебель» бирлашмасидаги В. Кливчихин бошлиқ бригада билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаяпти.

Бирлашмада бундай илғор коллективлар талайгина. Бу коллективларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, буюмлар сифатини яхшилаш йўлида тинимсиз изланиши, ташаббус ва ғайрат билан меҳнат қилиши бирлашма бўйича қўлга киритилаётган ютуқларнинг омили бўлаяпти.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ТАТРА» МАРКАСИ БИЛАН

ПРАГА. Бу йил машҳур «Татра» автомобиль заводи 13,5 мингта тез юрар юк автомобиллари ишлаб чиқаради. Самосвваллар ва тиркладиган машиналар авваллги йиллардаги синглари СССРга ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларга юборилади.

Ҳозирги вақтда «Татра» коллективи «Т—815» юк автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу янги моделларда ҳозирги замон автомобилсозлигининг энг сўнгги ютуқлари назарда тутилган. Янги автомобиль 1982 йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарилади.

ФОЙДАЛИ АСОСДА

КАТМАНДУ. Непал билан СССР ўртасида савдо обороти илгариги йилдагига нисбатан ўтган 1979 йилда 60 процент ўсди.

Совет ташқи савдо бирлашмалари билан Непалнинг давлат ва хусусий фирмалари ўртасида ўтган йили Непалга «УАЗ-469Б» автомобилларини, «Т-25А» тракторларини, бундан илгари юборилган машиналар ва асбоб-ускуналар учун запас қисмларни етказиб бериш хусусида шартномалар тузилган эди.

Непалнинг СССРга сотадиган жут ва чарм хом ашё ҳажми бир неча баравар кўпайди. Совет ташқи савдо ташкилотлари билан энг катта давлат компаниялари ўртасида яхши алоқа ўрнатилган.

Нефть нархи ошмоқда

ЖАКАРТА. Индонезия экспорт қилинадиган нефтнинг бир баррели (159 литр) нархини 2 доллар оширганлигини эълон қилди. Бир кун аввал Индонезия давлат «Пертамина» нефть компанияси мамлакат ичида ишлатишга чиқариладиган нефть маҳсулотлари нархини ўрта ҳисобда 35 процент ошириш тўғрисида қарор қабул қилганди.



Венгрия Халқ Республикаси завод ва фабрикаларининг коллективлари Венгрия Социалистик ишчи партияси XII съезди ва Венгриянинг фашизм асоратидан озод этилганлигининг 35 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар.

СУРАТДА: пойтахтнинг илғор корхоналаридан бири — Будапештдаги «Икарус» заводининг йиғув цехида.

МТИ—ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

ПАРИЖ. Бу ерда «Франция — Кампучия» дўстлик жамияти ташкил этилганлиги эълон қилинди. Таниқли адвокат Ролан Вейль бошчилик қилаётган жамият ўз олдига Кампучия халқи билан дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга кўмаклашишни, янги, ҳаёт қурилишидаги ҳозирги қийин бир пайтда унга ёрдам беришни, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилиб қўяди.

Беш йиллик илғорлари

БРИГАДАДА БИР КУН

Трест раҳбарларининг айтганича бор экан, 39-қурилиш бошқармасига қарашли Файзулла Умаров бошлиқ комплекс бригада кейинги пайтда пешқадам коллективлардан бири бўлиб қолди, 17 кишилик комсомол-ёшлар бригадасининг шу кунгача бажарган қурилиш-монтаж ишларини сарҳисоб қилиб чиқиш учун анча вақт сарф қилиш керак. Қурилиш бошқармаси ўтган йили 9 минг 252 квадрат метр турар жой биноси қурди, жами 4 миллион 35 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Бу ютуқда Файзулла Умаров бригадасининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Бригадир ишбилармон, тажрибали бўлса, коллектив иши орқада сургалмайди. 63-ҳунар-техника биноси юртини тамомлаб, ишни 153-трестда оддий қурувчиликдан бошлаган Файзулла кўп ўтмай бошқармада ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқ ва уддабуронлиги билан кўзга ташланиб қолди. Уни бошқарма раҳбарлари бригадирликка тайинлашди.

Мана бир неча йилдирки, у комсомол-ёшлардан иборат бригада етакчиси. Дарвоқе, бу бригада Сергели шаҳарчасини барпо қилиш ташаббуси ўртага ташланганда биринчилардан бўлиб қўришишга отланган, турар жой пойдеворига биринчи киштни қўйган коллективлардан.


— Дастлаб Сергелига келганимизда ҳаммаёқ ўйдоқлик эди,— деб эслайди Ф. Умаров. — Қурилишни бошлашга имконият йўқдай кўринарди. Йўқ, қийинчиликларни писанд қилмаган 1-бригадамиз йигит ва қизлари аҳиллик билан ишни бошлашди. Кўп ўтмай бу ерларда кўп қаватли янги, замонавий уй-жойлар барпо бўлди.

— Бригадага бошчилик қилишда қийналмаяпсизми?— сўраймиз Файзулладан.

— Қийинчиликлар бўлиб туради. Гоҳ материал, гоҳ ишчи кучи етишмайди. Буларнинг ҳаммаси астасекин ҳал қилинадиган масалалар,— деб жавоб беради бригадир. — Бригадамиз коллективига келсак, ҳаммамиз бир оиланинг фарзандларидаймиз. Бригада йиғилишлари, мажлислари ўз вақтида ўтказиб турилади. Яхши ишлаганларни мақтаймиз, ёмон ишлаган ёки меҳнат интизомини бузганларни эса муҳокама қилиб тарбиялаймиз. Планини бажаролмаётганларга ёрдам кўрсатиш ҳамма учун қонунга айланган. Қолоқларсиз ишлаш бригадамизда шиор бўлиб қолган.

Бригаданинг иш плани кенг. Унинг ҳаёти билан танишган киши бу коллективга ҳавас билан қарайди. Яқинда Ф. Умаровнинг бригадаси Чилонзор массивида 5 қаватли, остки қаватида меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатувчи магазинли 48 квартирали турар жой биносини қуриб фойдаланишга топширди. Кўли гул азаматлар бу бинонинг ёнида яна бир беш қаватли турар жой биносини барпо этишаётир. Бу бинони шу йилнинг май ойида муддатидан илгари фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Н. АЛИМОВ.



Тошкент подшипниклар ремонти заводида мактаб ва ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб, ишга келган ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

СУРАТДА: Тошкентдаги 26-ўрта мактабни битириб, ҳозир корхонада баранали меҳнат қилаётган комсомол аъзоси зарбдор деталчи Елена Ханафиевани кўриб турибсиз. У ойлик нормасини мунтазам 120—130 процент бажармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Республиканинг боши музейида

Юбилейга бағишлаб

Доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали коллективи комплекс тадбирлар планини белгилаган. Шулар орасида доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида мароқли ҳикоя қилувчи кинолекторий ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бу ерда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ҳамда республика автомобиллар йўллари институтининг студентлари учун махсус кинолекторий ишлаб турибди. У Ленинниннинг иши, ғоя ва васиятларининг тўлатўкис амалга оширилаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, музейда ҳарбий хизматчилар учун «Бизнинг байроғимизда — Ленинниннг номи» мавзуида ҳам кинолекторий ташкил этилди.

• • •

МЕҲНАТКАШЛАР ДАМ ОЛИШИ УЧУН

Дарёнинг хушманзара соҳилида дам олиш зонаси қурила бошланди. Бу қурилиш Сирдарё шаҳри ва Сирдарё район хўжаликларининг бир қанча саноат корхоналари ва ташкилотлари умумий маблағи ҳисобидан олиб борилмоқда.

Кенг участкада соялқин айвончалар, ошхона, санитария пункти, қутқариш станцияси, автомашиналар тураднган жой қурилади. Янги зона шу йилнинг ўзида дастлабки дам олувчиларни қабул қилади.

(ЎзТАГ).

МЕЪМОРЛАР ТАКЛИФИ БЎЙИЧА

«ОЙБЕК» БЕКАТИ

Тошкент метро лойиҳалари институти коллективи пойтахт метрополитени 2-линияси бекатлари лойиҳаларини яратиш бўйича изланишларини қизғин давом эттиришмоқда. Улар ер ости йўлининг Космонавтлар проспекти билан Лоҳутий кўчаси туташган жойда қуриладнган бекатини улуғ ўзбек совет ёзувчиси Ойбек номи билан аташни таклиф этишди.

Тошкент метро қурилиш трести қурилишмонтаж бошқармаси бекат қуриладиган жойда котлован қазишни бошлаб юборди.

Чет эл маданияти янгиликлари

ХАНОЙ. ВСР почталар бошқармаси Вьетнам Коммунистик партиясининг 50 йиллиги юбилейига бағишланган бешта марка туркумини муомалага чиқарди. Марка лар номинали 12, 20 су ва 2 донгга тенг. Миниатюралар Вьетнам коммунистлари партияси курашининг асосий босқичлари ҳақида, буюк Вьетнам революционери Хо Ши Мин тўғрисида ҳикоя қилади. ВКП вужудга келган куни — 3 февралда республиканинг бешта йирик шаҳри — Ханой, Хошимин, Вина, Дананг ва Хюэда марка ларга махсус муҳр босиш ўтказилди.

* * *

ВАРШАВА. Фашизм устидан ғалаба қозонилган кунининг 35 йиллиги ва дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшава шартномаси имзоланганлигининг 25 йиллигига бағишланган энг яхши тасвирий, ҳайкалтарошлик ва графика асарлари учун Умумполша конкурси эълон қилинди. Энг яхши асарлар 9 май куни Варшавада очиладиган кўргазмага қўйилади.

* * *

БРАТИСЛАВА. Словакиянинг ихтисослаштирилган «Спорт» нашриёти 1980 йил учун чиқариладиган китоблар кенг программасини тайёрлади. Ана шу нашрларнинг 12 таси Олимпиада—80 га бағишланган.

Китобхонлар яқин вақт ичида Москва спорт иншоотлари бўйлаб йўл кўрсатувчи СССРда физкультура ҳаракатининг ривожланиши ҳақида олимпия ўйинларининг қадимги замондан ҳозирги кунгача бўлган тарихи тўғрисидаги китобларни оладилар. Братислава нашриёти қардош социализм мамлакатларидаги ҳамкасблари билан биргаликда куч-ғайрат сарфлаб тайёрлаган китоблар орасида, шубҳасиз, социалистик мамлакатларнинг атоқли спортчиларига бағишланган «Социалистик спорт олтин китоби» китобхонларда эўр қизиқиш уйғотади.


Спорт нашриёти Москва Олимпиадаси шарафига бағишланган ранг-баранг открыткалар ҳам чиқарди.

* * *

СОФИЯ. Бу ерда «Болгариянинг янги музикаси» анъанавий кўриги очилди. Бу кўрикка ўтган йили яратилган асарлар қўйилган. Ўн кун давомида 70 нафар муаллифнинг яратган 220 та асари янграйди. Симфониялар, ораториялар, кантаталар, қўшиқлар ва чолғу асбоблари учун ёзилган пьесаларнинг катта қисми Болгария халқи тарихидаги муҳим воқеаларга бағишланган. Кўрикда барча авлод композиторлари иштирок этади.

* * *

АФИНА. Греция ҳукумати музика ва адабиётни ривожлантиришга ёрдам берувчи бир қанча тадбирларни қабул қилишга қарор қилди. Музика академияси, учта янги симфоник оркестр, ҳор коллективлари ташкил этиш назарда тутилмоқда. Ҳукумат қарорига мувофиқ адабиёт ва санъат миллий кенгаши ташкил этилади, 14 май эса мамлакатда «Греция китоби куни» сифатида нишонланади.



Исроил ҳарбийлари ва ўнг сепаратчилар жанубий Ливанда вужудга келган мураккаб вазиятни кескинлаштириш мақсадида қуролли нгвогарликларни авж олдирмоқдалар. Исроил ва «Жанубий Ливанни ҳимоя қилиш армияси» деб аталмиш қўшинлар артиллерияси ўтир, Арнун, Набатия аҳоли пунктларини ҳамда шу шаҳарларга туташ районларни тўхтовсиз ўққа тутмоқда.

СУРАТДА: Набатия шаҳри артиллерия ҳужумидан кейин.

• Сайловдан—сайловгача

24 февраль СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИГА ИЗОҲ

Агитпункт мудири Тоғаймурот Жумақулов ўтган сайловдан бери юз берган ўзгаришлар суҳбатини сайловчилар рўйхатидан бошлайди. Анкета маълумотлари тўлиқ ёзилган бу варақлар кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилиши мумкин. Тошкентнинг энг қадимий даҳаларидан бири — эски Бешёғочнинг асосини ташкил этган пастаккина ва кўримсиз уйларнинг адреслари ёзилган рўйхатларга энди кўзингиз тушмайди. Энди уларнинг ўрнида республика пойтахти марказини безаб турган янги микрорайон — Олмазорнинг дастлабки аҳолиси фамилияларини учратасиз.

Жумақулов билан биргаликда Халқлар дўстлиги проспектида қад кўтарган тўққиз қаватли уйларга кирамиз. Биринчи бўлиб инженер Нишон Нишонов билан учрашамиз. Унинг умр йўлдоши Матлуба Педагогика институтининг талабаси. Еш оила ўзларининг икки хонали квартирасига бажони дил таклиф этадилар. Қулай ва шинам, паркет полли хоналар ёпёруғ. Кенг ошхонани кўздан кечирамиз. Ешлар яқиндагина ана шундай шароит тўғрисида орзу қилган эдилар. Яна қандай ўзгаришлар бор?

— Бошқа ўзгаришлар ҳам бор,— деб жилмайиб қўйди Нишон. — Мен Тошкент Политехника институтини тамомладим, ҳозир темир-бетон буюмлар заводида цех бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаяпман. Нилуфар исмли қизимиз ҳам бор. Яхши ўзгаришлар кўп...

Инженер агитпунктда «Сайловдан-сайловгача» деган мавзуда кеча ўтказилишини билиб, унда кўпроқ метрополитенга эътибор берилиши зарурлигини айтди. Чунки метро Тошкент шаҳар хўжалиги кескин ўсаётганлигини ҳаммадан қўра ёрқин акс эттиради. Нишонов ўзи меҳнат қилаётган завод метрополитен қурилишида бевосита қатнашаётганлиги билан фахрланади.

Яна бир учрашув. Оила бошлиғи — бўёқчи Василий Васильевич Купцов, унинг рафиқаси собиқ комсомол ходими Галия Шагиаъзамовна, уларнинг фарзандлари — биринчи синф ўқувчиси Лана ва уч ёшли Эльвира.

Василий Васильевич республика пойтахтида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида билармонлик билан вазмин ҳикоя қилади: кейинги йилларда у ўз ҳамкасблари билан бир қанча уйлар, мактаблар, болалар боғчалари қурди, цирк биносини барпо этишда ҳам қатнашди. Олмазорда қад кўтараётган кинконцерт залини айтмайсизми!

Галия Шагиаъзамовна эринининг айтганларини маъқуллаб яна шуларни қўшимча қилади: якунларгина эмас, истиқбол ҳам муҳим, дейди у. Истиқбол деганда шуни айтишимиз мумкинки, биз эртанги кунга ишонч билан қарай оламиз. Олмазорда ажойиб мактаб барпо этилмоқда — болаларимиз шундоққина уйимизнинг ёнпосида ўқийдилар. Магазинлар қурилмоқда, кўкаламзор зона кенгайтирилади...

Суҳбат чоғида хонага Галияниинг отаси Шагиаъзам Рафиқов кириб келади. У партия ветерани, илгари паровоз машинисти бўлиб ишлаган, ҳозир пенсионер. Қария нима ҳақида гап кетаётганлигини билиб, суҳбатга қўшилади:

— Мен ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери Тошкентда яшайман ва шуни айтишим мумкинки, шаҳар жуда ёпариб кетди, Тошкентга ўзгалликни халқларимиз ўртасидаги дўстлик бахш этди. Чунки уни кўплаб миллат вакиллари қурмоқда. Биз шу дўстлик билан қудратлимиз. Капиталистик мамлакатлардаги мухолифларимиз шуни яхши билиб олсинларки, ҳеч қандай куч бизни бука олмайди.

31-квартира эшигини нуроний бир киши очди. Таништамиз: Владимир Иванович Кукаев, Улуғ Ватан уруши инвалиди, 1945 йилдан буён КПСС аъзоси. Унга собиқ фронтчи сифатида квартира берилган. Унинг рафиқаси мактабда 33 йил давомида ўқитувчилик қилган.

— Дабдабали сўзларни ёқтирмайман,— дейди ветеран.— Лекин партиямиз ва ҳукуматимиз тўғрисида ҳар қанча яхши гапирсак арзийди. Халқимиз ва меҳнат кишисининг бахт-саодати тўғрисида партия ва ҳукуматимиз тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Сайлов куни ана шу бахт-саодат учун, янада яхши яшашимиз, ер юзида тинчлик бўлиши учун овоз берамиз.

Владимир Иванович нинг маслаҳати билан унинг қўшниси ва дўсти Платон Сергеевич Корнейчук хонадонига кирамиз. У ҳам машаққатли фронт йўлларини босиб ўтган киши. Корнейчуклар оиласи икки марта уй тўйи ўтказди. Унинг ўғли — «Ташсельмаш» заводининг слесари Александр ҳудди шу подъездан, фақат бир неча қават юқоридан квартира олди.

— Квартира олиш тўғрисидаги хабар оиламизнинг барчасини қувонтирди,— дейди собиқ ҳарбий алоқачи. — Меҳнаткашлар тўғрисидаги бундай ғамхўрлик учун партиядан миннатдормиз...

Агитпункт мудирининг блокнотида янги сайловлар

● БУЮК СИЙМОЛАРИМИЗ

Камтарлик — инсонийлик тожи

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий мероси жуда улкан ва кўп қирралидир. Навоий бутун умри давомида одамни ахлоқий мусаффо, виждонан соф, жўмард, одил кўришни орзу қилган, киши табиатини ёлғончилик, хасислик, ҳасад, текинхўрлик, танбаллик, фирибгарлик ва бошқа кўп манфий хислатлардан тозалашга интилиб келган. Айниқса, унинг инсон камолати йўлидаги камтарлик, тавозулик (яъни киши ҳузурида ўзини паст тутиш) ҳақида ёзган панд-насиҳатлари, истак ва орзулари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир. Навоийнинг камтарлик ва тавозуъ ҳақидаги мулоҳазалари унинг деярли ҳамма асарларида учрайди. Лекин унинг «Маҳбубул қулуб» асари ана шу мавзуларнинг чуқур изланиши ҳамда масаланинг кескин қўйилиши жиҳатидан жуда кенг ва ҳайратомуздир. Мана, Навоий тавозуъ ҳақида нималар дейди:

«Тавозуъ халқ муҳаббатини ўзига тортар ва одамларни бу ишни бажаруви билан дўстлаштирар. Тавозуъ дўстлик чаманида тоза гуллар очар ва у чамандан ошнолик, улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар»...

Шоир «Маҳбубул қулуб»да инсонийлик зийнати бўлмиш камтарлик ва сертавозуълликнинг шарофати, критерийлари ҳақида тўхталибгина қолмайди, балки унинг акси бўлган ҳудписандлик (ўзидан бошқани писанд этмовчи) ва такаббурлик иллатларига қарши аёвсиз курашади. Шоир такаббурлик ҳақида ёзади:

...«Такаббурлик шайтон иши, каттаклик нодон иши. Ўзига бино қўйганнинг иши барча кишиларга ёқимсиз. Билимига мағрурланган билувчилар қошида аҳдбор ва тангрининг қаҳрига дучордир...». Навоий давом этиб ёзадики, такаббурлик, нодонлик шундай ёмон иллатки, бундан ҳатто ўз меҳнати билан одамларга фойдаси тегиб турадиган эшак ҳам аълодир. Навоийнинг бундай қора иллатлар ҳақида ёзган ўгитлари бугунги нурли ҳаётимизга доғ бўлган такаббур, мансабпараст ва ҳудбин шахсларга ҳам қарши қаратилгандир.

Навоий ўз вақтида сарой ишлари билан банд бўлиб юрган чоғларида амал ва мансабдорликнинг зарарли оқибатларини, жабру жафоларини кўп тортган. Амир Маждиддин ва Низомулмулк каби мансабпараст шахслар турли тазйиқ билан халқни қийноқларга солар, ҳатто сарой аристократияси ўртасида катта ҳурматга эга бўлган Навоийдек сиймоларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилар эдилар. Шоир, айниқса, бевосита халқ иши билан шуғулланувчи амалдорлар инсофли ва виждон амри билан иш кўришлари кераклигини кўп уқтирган эди. У бебақо дунёё учун одамларга ўта қаттиққўллик қилиш, уларнинг дилини вайрон қилиш ҳолларига қарши туради. Бу йўлда шаҳзода ва унинг амиру-умароларига, ҳатто подшонинг ўзига ҳам насиҳатлар қилади. Тарихчи Ҳондамирнинг «Макоримул ахлоқ» асарида Навоийнинг Амир Ҳожи Афзалиддин Муҳаммад билан Ҳожи Шиҳобиддин Убайдуллоҳ каби вазирларга ёзган форсча номаси келтирилади. Жумладан, ҳатда Навоий шундай сўзларни ёзади:

...«Ҳурматли биродар ва суюкли фарзандга! ...Муштоқлик саломининг адосидан сўнг маълум қиламизки, инсоннинг мартаба ва катталикни севиши табиийдир. Бу ишда нафс ихтиёрсиз ва кишининг сезгиси уни эгаллаш билан шуғулланишни талаб қилади; мансабдор кишига одамларнинг иши кўп тушади. Мансабдор кишининг ҳушёр бўлиши жуда оғир. Агар у гоҳо ақл мадади билан ўзини тута олсада, бироқ мансаб мастлиги уни ўз ҳолидан-жонига қўймайди». Навоийнинг номадаги бу ўгитлари кичик мартабада ишловчи одамларгача катта дастурламалдир. Унинг мансаб мастлиги ҳақида ёзган бу фикрларида катта ҳаётий фалсафа бор. Одамнинг пуч-сараси қўлига амал текканида дарров ажралади-қолади. Битта одамни баъзан ўн йиллар давомида билиш, у ҳақда маълум тасаввургагина эга бўлиш мумкин. Лекин унинг ҳақиқий қиёфаси мансаб соҳиби бўлгандагина тўла очилади.

Навоий ўзига бино қўйган, характерида эгоизм иллати ҳамиша ҳукмрон бўлган ана шундай одамлар ҳақида куйиниб, «Маҳбубул-қулуб»да ёзади:

...«Ўзига берилганларнинг ҳар бир қилган ўзига яхши кўринади, барча ҳоллари ва ёқимсиз ҳаёллари ўзига мақбул, ёқимли, яхши, хуш кўринади. Ўз олдида ўзи доно ва чечан ва қиладиган номаъқул ишлари ўзига маъқул ва яхши кўринади». Бундай кишиларнинг қилмишларидан ғазабланган шоир давом этиб, дейди:

...«Бу ўзига берилган ярамаснинг қабихликларини унга ҳеч ким айта олмайди, айта олганнинг сўзига қулоқ солмайди, эшитса ҳам мақбул топмайди. Насиҳатчини изза қилади ва қасдига тушади, бу насиҳатдан насиҳатчига кўп хорликлар юз беради».

Буюк Навоий ўз даврида худди шундай «паст ва муғомбир» амиру-умаролар, шоҳу-шаҳзодалар, ҳудбин бек ва амалдорларга кўп дуч келган эди. Мансабдорларнинг бу қилмишларидан ранжиган шоир уларни жуда қаттиқ танқид қилиб, халқ раъйига қараб иш юритиш кераклигини уқтиради:

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
Муътамад эл раъйидин иста мушоват.

Навоий камтарлик, олижаноблик ва тавозуълликка айниқса, олимлар қаттиқ риоя қилишлари кераклигини қайд этади. Ҳақиқий олим ўз шахсиятини ўйлаб хайрли ишларни оёқ ости қилмаслиги керак. Айниқса, лаганбардорлик ва иккиюзламачилик олимлик қиёфаси учун катта фалокатдир. Олим оғирвазмин, мулойим, тадбиркор ва олижаноб бўлиш билан бирга ўз «ҳадди»ни ҳам билиб олмоғи керак. Беҳуда нарсалар учун жоҳиллик қилиш, ўч олиш, қасд қилиш, кек сақлаш каби иллатларни қўлдан олимлик мартабасига ётдир. Улуғ шоир «Маҳбубул қулуб»да олимлик «поя»лари ҳақида гапириб: «Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошга ўрмағай» деб бекорга айтмаган. Навоий бутун умри давомида инсонийятнинг ёмон ва яхши хислатларини холисона васф этди. Гўзал хулқ ва ақли донишларни кўкларга кўтариб мақтаган бўлса, жамият тараққиётини кетга судровчи иллатларга қарши ҳамма вақт муросасиз кураш олиб борди. Буюк ижодкор шунинг учун ҳам биз билан ҳамиша ҳамнафас ва ардоқлидир.

М. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.



ГАЗАЛ ШАЙДОЛАРИГА

ОЗ БЎЛСА ҲАМ

Баъзида қишдан ёмон бўлгай ҳаво ёз бўлса ҳам,
Баъзининг ҳулқи совуқ ҳар қанча танноз бўлса ҳам.
Тун эрур тун, унда гар ёнган билан юз минг чироқ,
Тунга ўхшар баъзилар ҳуснида пардоз бўлса ҳам.
Мумкин эрмас лойҳўраклар жинсига бермоқ қанот,
Тарбиятчилар агарда лочину ғоз бўлса ҳам.
Дилни ранжитгай вале келса ёқимсиз кўп товуш,
Бақш этар роҳат ёқимли якка овоз бўлса ҳам.
Боласин қушлар учурмас вояга етмай туриб,
Воясиз сўзни учурма сенда парвоз бўлса ҳам.
Янги ой янглиғ эгил эл олдида, эй, ёшлар,
Гар мақомингдур фалак, юз шунча эъзоз бўлса ҳам.
Эй, қалам; тўғри юришдан толма, магрурланма ҳеч,
Еру-кўк саҳни сенга гўё поёндоз бўлса ҳам.
Қайси кўз бирла ингорим менга бокса майлига,
Боқишин оромижондур майлига ноз бўлса ҳам.
Қўйма қўлдан ҳеч қачон, солма ғилофига сира,
Чустий фикринг танбурин соз эт яна соз бўлса ҳам.

ТИНЧЛИК ПАРИЗОДИ

Сенинг мадҳинга қонмасдан кўзимга келмагай уйқу,
Сўзинг таъми асалда бўлмаса у бол менга оғу.
Ниҳон этдим дилимга дилни мен ҳаттоки жонимдан,
Кўзим фош айлади ёшлик қилиб ўйнаб оқиб дув-дув,
Қаролмкни кўзингдан қарз олиб, қарзин узолмасдан,
Ҳижолатда қочиб юрмиш баланд тоғлар аро оҳу.
Саҳарлар шарқ томига чиқиб кўрмоққа ҳуснингни,
Қуёш шўхлик қилиб сочди юзинг япроғига ёғду.
Сўзинг гавҳарлари дунё юзида бебаҳо бўлгач,
Тушиб қадри азмм дарё тубида қолди кўп инжу.
Дили мушкинг майидан бўш эса ёнинга келтирма,
Ичи бўш шишани суҳбатга келтурган бўлур кулку.
Чаманга тул, жаҳонга нур, ватанга чин ватанпарвар,
Керакдур менга сен чунки керак доим балиққа сув.
Тақиб бўйнингга меҳрим дурларин тинчлик паризоди,
Боқиб эрдинг жилога тўлдию фахр айладн кўзгу.
Сенинг ишқингда ҳар аччиқ менинг қомим аро қолва,
Бошимни тошга қўйсам Чустиё бўлгай менга парку.

ЧУСТИЙ.



Ҳаётий асарлар

Улуғ Октябрь инқилоби қаҳрамонларининг сиймоси акс этган ҳайкаллар бугунги кунда қатор шаҳарларнинг марказий майдонларини безаб турибди. Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Бойматов ҳозир «Инқилоб фидойилари» деб номланган асар устида иш олиб боряпти. Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Шоймуродов яратган Йўлдош Охунбобоев ҳайкали эса Самаркандда ўрнатилган.



СУРАТЛАРДА: А. Бойматовнинг «Инқилоб фидойилари» ва А. Шоймуродовнинг «Йўлдош Охунбобоев» ҳайкаллари.

О. Алухтин фотоси.

Дўстлик тароналари

ШУ КУНЛАРДА Тошкент Давлат консерваториясида гардош Вьетнамдан тажриба алмашиш учун келган Ханой консерваториясининг бир гуруҳ студентлари таълим оляптилар. Улар ўз миллий асбобларида эришган ютуқларини намойиш этиш билан бирга чолғу асбобларини такомиллаштириш сирларини ҳамда социалистик мамлакатлар музика маданиятини катта қизиқиш билан ўрганяптилар. Консерваториянинг халқ чолғу асбоблари факультетида най, рубоб, чанг ва ғижжак асбоблари бўйича устозлик қилаётган Мирза Тоиров, Аҳмад Одилов, Сулаймон Таҳалов, Мурод Тошмуҳамедов каби соз усталари дарсларидан кўпгина фойдали нарсаларни биляб олдилар.

Миллий чолғу асбобларини такомиллаштириш тажриба лабораториясида Вьетнам миллий чолғу асбобларидан «Сау», «Данбау» ва «Таплук» асбоблари қисман мукаммаллаштирилди. Натижада мазкур музика асбобларининг ижрочилик имкониятлари янада ортди, товушлар диапазони кенгайди. Жумладан, «Сау» (найсимон чолғу асбоби) да олтита мусиқий тешикчаларга қўшимча яна тўртта товуш тешикчалари очилди. «Данбау» ва «Таплук» чолғу асбобларига ҳам шунга ўхшаш янгиликлар киритилди. Бундай такомиллаштириш вьетнамлик ёш санъаткорларга маъқул бўлди.

Вьетнам миллий чолғу асбобларининг ижрочилик имкониятлари яқинда «зангори экран» орқали намойиш этилган концертда яққол намоён бўлди. Бунда Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестри ва вьетнам халқ ашулалари ижро этди. Данбау чолғусининг садо таратиши бизнинг танбур созимизга электр қурилма ўрнатилганидаги садога ўхшайди. Айниқса, куй авжига чиққанда унинг тиниқ ва ноланор садоси киши қалбининг нозик торларини ҳам чертиб ўтади. Битта торли чолғу асбобида бундай мукаммал мусиқий асарни ижро этиш катта маҳорат белгисидир.

Вьетнамлик студент қиз Ни Цюнг ўн олти торли (чангга ўхшаш) «Таплук» деб аталган музика асбобида ижро этган куйлар ҳам қизиқиш билан тингланди.

Ўзбекистон телевидениесининг музикали эшиттиришлар Бош редакцияси томонидан уюштирилган мазкур концерт тингловчиларида яхши таассурот қолдирди.

Р. НЕЪМАТОВ,
Тошкент Давлат маданият институти оркестр дирижёрлиги кафедраси доценти.



Мукаррама Турғунбоева номидаги Узбекистон Давлат «Баҳор» рақс ансамбли Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур. «Баҳор» рақсларининг чиқишини кўпгина қитъалардаги санъат ихлосмандлари мароқ билан томоша қилишган. Коллектив ўзбек миллий рақс санъатининг бутун нафосати ва гўзаллигини оламга намойиш қилиб келяпти.

СУРАТДА: «Баҳор» рақс ансамбли коллективининг чиқишларидан бири.

М. Нуриддинов фотоси.

▲ МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Қадимий чолғу асбобларининг боқий умри

Дутор ва рубоб, ғижжак ва най, танбур ва чанг, баян чалувчи ёш ижрочилар республика конкурси лауреатларининг куни кеча бўлиб ўтган якунловчи концертида ўндан ортиқ ўзбек халқ чолғу асбоблари янгради. Конкурсда Узбекистоннинг ҳамма областларидан келган созандалар иштирок этишди, улар орасида ўттиздан ортиқ киши совринли ўринларга, конкурс дипломлари ва ёрлиқларга сазовор бўлди.

Конкурс қатнашчиларининг анъанавий мақомларни, Чайковский, Лист, Глинка ва бошқа классикларнинг, замонавий композиторларнинг асарларини ижро этишди. Музикашуносларнинг фикрича, бу галги ижодий мусобақа ижрочилари қадимий чолғу асбобларининг тобора янги-янги имкониятларини очаётганликларини кўрсатди.

[ЎзТАГ].

САНЪАТНИНГ сеҳрли оламида

ЯНГИ АСАРЛАР ИЖРОСИ

Яқинда «Баҳор» концерт залига тўпланган музика ихлосмандлари ёш композиторлардан Т. Қурбонов, Ф. Алимов, М. Вафоевларнинг янги асарларини тингладилар.

Т. Қурбонов яратган тўрт қисмдан иборат кантата «Комсомолнома» деб аталади. Композиторнинг муҳим мавзуларга бағишланган қатор асарлари музика шинавандаларига яхши таниш. Унинг янги асари ҳам ўзининг жўшқин руҳи, жарангдорлиги билан диққатга сазовор. Асарда ҳамиша навқирон, тиниб-тинчимас ёшлик образи ўз ифодасини топган.

Ф. Алимовнинг икки қисмдан иборат симфонияси ёш композиторнинг дастлабки йирик асаридир. Бу асар бастакорнинг истеъдодидан далолат беради. М. Вафоевнинг тўрт қисмли газал-симфонияси ҳам замонавий симфоник музика усуллари халқ ижрочилик усуллари билан яхлит жарранг касб этган.

Ёш композиторларнинг асарларини Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров ва дирижёр В. Неймер раҳбарлигидаги оркестр ҳамда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети солистлари ва хори (раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Умиджонов), ўзбек Давлат филармонияси хор ва солистлари (раҳбари — А. Ҳамидов) ижро этишди.

В. КРИЦ,
Тошкент Давлат консерваториясн студенти.

Мукаррама Турғунбоева номидаги Узбекистон Давлат «Баҳор» рақс ансамбли Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур. «Баҳор» рақсларининг чиқишини кўпгина қитъалардаги санъат ихлосмандлари мароқ билан томоша қилишган. Коллектив ўзбек миллий рақс санъатининг бутун нафосати ва гўзаллигини оламга намойиш қилиб келяпти.

СУРАТДА: «Баҳор» рақс ансамбли коллективининг чиқишларидан бири.

М. Нуриддинов фотоси.

СССР АҲОЛИСИ

СССР Марказий статистика бошқармаси тайёрлаган статистик тўплам — «СССР аҳолиси. 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича» маълумотлари бўйича» тўпламни босмадан чиқди.

Китобчада республикалар, ўлкалар, областлар, автоном округлар ва катта шаҳарларга доир асосий статистика материаллари келтирилган. Китобчада мамлакатимизнинг аҳолиси, унинг маълумот даражаси, миллий состави ва тили, кун кечириш манбаи, никоҳда бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар бор.

[ТАСС].

Ҳаётимиз — хизматида

КЎЧМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Янги уйга кўчиб киришдан олдин сиз ҳонани тозаламоқчисиз. Бир ўзингиз бўлганлигингиз сабабли бунга кучингиз етмай қолса, «Сервис» фирмасига мурожаат қилинг. Бундан ташқари, уйингизнинг ташқи эшигига дермантин қоплатиш истагида бўлсангиз ёки уйингизни паркет пол қилдирмоқчи бўлсангиз ҳам ана шу фирма хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Буниинг учун Навоий кўчаси 30-«А» уйга жойлашган «Сервис» фирмасининг марказий прокат пунктига учрашишингиз ёки 44-63-15 телефонига қўнғироқ қилиб, буюртма беришингиз керак. Буюртмалар бир ҳафта олдин қабул қилинади.

Уй — рўзғор ТАШВИШИДА

Газ плиталарини тозалаганда

Плиталарнинг чўян конфоркаларини ичига сим чўтка ёки дағал газлама парчаси, қалин элакда элаган ғишт кукуни, майда қуруқ кум ёки металл буюмларни тозалаш учун ишлатиладиган ҳар қандай порошок билан уларга ҳажмининг тўртдан бир қисмича ичимлик сода қўшиб, сал-пал ҳўллаб тозалаш мумкин.

Конфоркалар тозаланганидан кейин сувда чайилади, артиб қуритилади ва сал-пал қиздирилиб сиртига бир-линар-билинмас алифмой суртилади.

Духовка ичидаги металл патнислар сегига намланган порошок ёки ичимлик сода билан тозаланади, кейин ювилади, яхшилаб артилади, нами қуригунча духовкада қиздирилади. Плиталарнинг усти занглаган бўлса, нозик ўсимлик мойи билан артиш керак.

Духовканинг металл патнислари (тўрт бурчакли тунука товалари) мой билан артилиб, оловда қуйдирилса занглamайди.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

ШУҲРАТ

Мен сени соғиндим

Мен сени тушимда кўрибман, она,
Ҳовлида юрибсан ҳазон супириб.
Хазонни учирса шамол ҳарёна,
Қайириб келасан кетидан бориб!

Қўшининг томида бир тоқ мусича
Ку-кулаб ёнига имлар шеригин.
Сен унга термулиб турдинг-да пича,
Пиҳ-она бир кулдинг мийигда секин!

Отамни эсладинг, дедим ўша он,
Ичингдан хўрсиниб қўйдинг оҳиста...
Шамолда бетартиб учардн ҳазон,
Мусича юрарди жуфт бўлиб пастда.

Уйғонсам туш экан...
Ҳовлида ҳазон
Шамолда шилдираб учади ҳамон.
Мусича товушн келмайди лекин...
Маъноси не бўлди тушнинг, онажон!

Унгимда кўрмоққа йўқ экан илож,
Тушимга кириб тур, онажон, тез-тез.
Майлига баҳорда, майлн ҳазонрез,
Майлига ҳазон йиғ, майлн гуллар соч!!

Мен сени соғиндим,
Соғиндим жуда,
Тушимга кириб тур баъзи-баъзида!

* * *

Бу ёруғ дунёда ғам кўп, алам кўп,
Бу ёруғ дунёда шодлик ва армон.
Шод бўлсанг тақдирнинг пешонасин ўп,
Ғам чексанг, демакки сен ўзинг ёмон!

Ҳар нарса кишининг ўз қилмишидан.
Тилидан, хулқидан, ёки мишдан.
Қалбингни тоза тут,
Тилингни тўғри
Ёмонлик кўрмайсан ҳеч бир кишидан!

Ёлғончи

Сен ёлғон гапирдинг,
Мен рост деб билдим.
Юзингда бор эди юмшоқ табассум.
Сен кулдинг,
Қўшилиб ўзим ҳам кулдим,
Ўзимни билмасдан алдадим ўзим.

Сен эса, мамнунсан,
Ишларинг битди.
Ёлғонинг эсингга келмайди асло.
Мен эса ваъдангни то шу кун кутдим
Ёлғонни кўнглимдан қилиб мустасно!

Сен эса, юрибсан парвойи-фалак,
Мен эса кутаман ваъдангни ҳамон!
Шунчалар пастмиди сендаги юрак,
Шунчалар пасткашмн сендаги бу жон!

О, ёлғон! Бунчалар қабиҳ бўлмасанг,
Бегуноҳ одамдан бунча кулмасанг!
Ёлғончи! Мен энди биламан сени!
Ёлғончи алдайди фақат ўзини!

Қийноқ

Мен чиқдим елкамга чопоним ташлаб,
Кетимдан демадинг бир сўз: — қаёққа!
Мен кетдим на хафа, на кўнглим ғашлаб,
Уйлардим қайтмайман энди бу ёққа!

Чиндан ҳам шу эди қарорим! Лекин
Бардошим етмади қатъий турмоққа!
Бўғолмай охири кўнглимнинг эркин,
Мен қайтдим бош эгиб сен турган боққа!

Шунда ҳам демадинг: — қаёқда эдинг!
Олдимга индамай ёздинг дастурхон.
Бир ой ҳам ўтдики, бир сўз демадинг
Шу сукут қалбимни қилади вайрон!

Бир сўз де, ҳайдаб сол, ёки тўк кўз ёш,
Бир нарса десанг-чи, эй бардошн тош!

Ваъда

Ваъдага шошасан, Ёғади ёмғир,
Ёғмайди, челакдаб, қуяди ҳудди.
Дўстларинг деса ҳам бир пас уйга кир,
Кўзингда ёнади ваъдаинг ўти!

Сен олиб борасан, Қуяди ёмғир,
На зонт бор қўлингда, на дўппи бошда.
Шамолдар эсади тинимсиз гир-гир,
Томчилар минг парча бўлади тошда.

Сен олиб борасан. Ёмғир беомон,
Тинимни ўйламас нақ ҳали-бери.
Сен етиб борасан!
Кутади жонон.
Унинг ҳам қуриқмас бирон-бир ери!

Сен мамнун қуласан,
Куладн жонон.
Шу маҳал тўсатдан тинади осмон!
Ҳеч нарса бўлмаган каби сиз иккэв
Қайдадир кетасиз лой кечиб ёвв!

Ўйинчоқ

Урушни-ку ёмон кўрасан,
Уруш деса сапчиб кетасан,
Неварангга, бундоқ қарасам,
Ўйинчоққа милтиқ тутасан.

Пақ-пақ қилиб мени отади,
Пақ-пақ қилиб сени отади.
Нега энди уруш машқини
Кўнглинг унга маъқул тутади!

Қўй, урушни билмасин улар,
Кел, тутақол ўйинчоқ гуллар!

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. ТОШПЎЛАТОВ: Тошкентдаги фигурали учиш мактаби, унга неча ёшдан қабул қилиниши ҳақида маълумот берсангиз. Мактабга областларда яшовчи болалар ҳам қабул қилинадими?

Жавоб: Республика фигурали учиш мактабига 4—6 ёшли болалар конкурс йўли билан қабул қилинади. Яъни уларнинг мувзинкани тинглаш ва хотирада сақлаб қолиш, оддий спорт машқларини бажара олиш қобилиятлари, қаддининг қандай тузилганлиги махсус комиссия томонидан кўрикдан ўтказилади. Ана шу кўрик пайтида етарли балл тўплаган кичкинтойларга машғулотларда қатнашишга рухсат этилади.

Мактабдаги машғулотлар кузда бошланади. Агар кичкинтойнинг ота-онаси унинг машғулотларга қатнашиши учун шароит яратиб бергудек бўлса, областларда яшовчилар ҳам қабул қилинаверади. Бунинг учун улар конкурсдан ўтишлари шарт.

Мактаб маъмурияти «Юбилей» Марказий спорт залн биносида жойлашган. Машғулотлар ҳам шу ерда ўтказилади.

∴ ∴ ∴

Ш. СОБИРОВ: Республика ДОСААФининг Тошкент аэроклубида шуғулланиш ниятим бор. Иложи бўлса аэроклубнинг қаерда жойлашганлиги ва унга неча ёшдан қабул қилиниши ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Республика ДОСААФининг Тошкент аэроклуби Халқлар дўстлиги проспектидаги 28-уйда жойлашган. У ерга метро орқали бориш жуда қулай: «Чилонзор» бекатидан юқорига чиқсангиз аэроклуб биносига дуч келасиз.

Аэроклубда спортчи-учувчи ва спортчи-парашютчилар тайёрланади. Парашютчилар курсига курувчилар спортнинг бирон-бир туридан разряд эгаси бўлишлари шарт. Ҳар икки бўлимга ҳам 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади. Аэроклубга кирувчилар бирор жойда ўқиётган ёки ишлаётган бўлишлари шарт.

∴ ∴ ∴

Д. ҒАФУРОВА: Ҳозир саккизинчи синфда ўқияпман. Спортнинг камондан отиш тури билан шуғулланмоқчиман. Бу спорт тури сирларини қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Камондан отиш сирларини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида ўрганиш мумкин. Жамият маъмурияти Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган масала бўйича 77-06-47, 77-82-70 телефонларга қўнғироқ қилиб қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

Р. ОРИПОВА: Мен қиличбозлик сирларини ўрганмоқчиман. Бу ниятимни қаерда амалга оширишим мумкин?.

Жавоб: «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Совети ҳузурида ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Мактабда қиличбозлик секцияси ҳам ишлаб турибди. Бу ердаги машғулотлар спорт мастерлари, мастерликка кандидатлар ва тажрибали ўқитувчилар ёрдамида ўтказилади. Секцияга врачлар руҳсатномасига эга бўлган ўсмир ва қизлар қабул қилинади. Мактаб «Марказ-5» кварталида, «Қозоғистон» кинотеатрининг ёнида жойлашган. У ерга Хуршид кўчаси ёки Олой бозори томондан ҳам ўтса бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

11 ФЕВРАЛЬ, 1980 г.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ФЕВРАЛЬ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 «Польша бўйлаб». Кинопрограмма. 18.40 «Беш йиллик. Якуловчи йил». «Рогун ГЭСида». 19.10 Б. Руденко, Е. Серкебаев, В. Кученский. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Совет қўшиқлари ансамбли ҳамда болалар Катта хори ижросида Совет композиторларининг қўшиқлари. 10.30 К. Симонов. «Лопатининг ён дафтаридан». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 Волейбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК— «Автомобилист» (Ленинград). 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00—23.40 Москва камер хорининг концерти. Дирижёр — В. Семенюк.

Узбекистон телевиденнесининг программалари.

I.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Ширин эртак». Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.40 Ғалабанинг 35 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қалбимизда ва ёдимизда ҳамиша» (рус.). 19.15 «Сара уруғ— ҳосил бўлиқ». 19.30 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.45 «Опера солистлари». Қ. Муҳиддинов (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». А. Навоий. Кўрсатувни шоир Э. Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Сатурн пайдан». Бадиий фильм. 23.35 «Бугун оламда нима гап?». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Қизиқарли математика. 20.55 «Врач маслаҳатлари». 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 22.10 Новая Гута ҳақида телевизион постановка (Польша) (рус.).

12 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Йил фасллари». Мультфильм. 10.25 Болалар учун. «Алёша Птицин характерини шакллантирянти». Бадиий фильм. «Ленфильм». 1953 й. 11.35 «Хайвонот оламида». Кўрсатувни Н. Н. Дроздов олиб боради. Кўрсатув тугагач (12.35) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Телестадион». 16.40 «Бизнинг университет».

17.25 «Шленск» Давлат халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. (Польша Халқ Республикаси). 18.15 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 19.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. «Ленин Польшада». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Студио» (Польша). 1965 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 — 24.00 Р. Штраус. «Дон-Кихот» симфоник поэмаси. СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.

Узбекистон телевиденнесининг программалари.

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.45 Ўсмирлар учун. «Нурафшон давра» (рус.). 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат интизомининг аҳамияти ҳақида». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 М. Қорнеқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Баёт» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Чорвачилик зарбдор фронт». Кўзилатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрайлик. 22.30 «Сатурн»нинг тугатилиши». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Театр» (рус.). 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Оила ҳуқуқи» (рус.). 22.35 Телевизион театр. Д. Песв. «Еттинчи қадаҳ». 1-қисм.

13 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Ленинн Польшада». Бадиий фильм. 11.50 Омск шаҳар моторсозлик бирлашмаси Маданият саройи халқ чолғу оркестрининг концерти. Концерт тугагач —(12.25) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Будапешт». Ҳужжатли фильм. Немис-фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига. 15.50 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 16.20 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Давлат ва революция». 16.50 «Горичлар, қаердасиз!».

17.20 В. Моцарт. 20-симфония. Польша камер оркестри ижро этади. Дирижёр — Е. Максимюк. 18.00 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мати Пальм куйлайди». Фильм-концерт премьераси (Таллин). 20.05 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. Кўрсатувни Ю. В. Белячникова олиб боради. 20.35 «Жонсарак ёки Иш устасидан қўрқади». Телевизион спектакль премьераси. Автор —Л. Писарев. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 — 23.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР — Япония терма командалари. Таффус пайтида «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Электромагнитик нурланиш шкаласи». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 Сузиш бўйича қишки Ўзбекистон чемпионати. Митрофанов номли Сув спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган). 12.30 «Электромагнитик нурланиш шкаласи» Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Сатурн пайдан». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бугун ҳовли тўйи деса бўлади». Мультфильм. 18.25 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 18.45 «Зангори экран». почтаси. 19.15 «Мўл ҳосилга пухта замин». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Балетнинг қайтиниши» СССР халқ артисти Б. Қориева иштирокида бир саҳналли балетлар (рус.). 20.20 «Хива гиламлари». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Вахт тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Галабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 «Бугун оламда нима гап?». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Сайловдан-сайловгача». 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун Физика. 21.55 Телевизион театр. Д. Песв. «Еттинчи қадаҳ». 2-қисм.

14 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Горичлар, қаердасиз!». 10.45 А. Писарев. «Жонсарак ёки Иш устасидан қўрқади». Телевизион спектакль. 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. Кўрсатув тугагач (12.40) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Музёрар флоти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». 16.10 «Рус тили». 16.40 С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 17.00 В. Гаршин. «Рассомлар». Артистлар В. Золотухин ва А. Филозов ўқийди. Ёзувчи туғилган кунининг 125 йиллигига бағишланади. 17.45 «Муҳаббий». Телевизион журнал.

18.15 «Халқ оҳанглари». 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки демократия». 19.00 «Расмларда кўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Балет лавҳалари». Фильм-концерт. 19.50 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Шаҳарни асраб қолинг». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Кадр» (Польша) 1976 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиши (АҚШдан олиб кўрсатилади). 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30—23.45 XIII қишки Олимпия ўйинларида.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

II

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари». 12.30 «Ўрта Осиё қушларининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 13.25 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўлламаси (рус.). 13.55 «Сатурн»нинг тугатилиши». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Чиланғар ва фалокат». Мультфильм. (Польша). 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти О. Отажонов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Қишлов масъулиятли давр». 22.30 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари». «Санъат турлари. Театр». 21.05 Сиртдан ўқитувчилар учун. Математика. 22.25 «Номингни унутма». Бадиий фильм. (Мосфильм ва «Иллюзион». (Польша).

15 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «Шаҳарни асраб қолинг». Бадиий фильм. 12.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Коньки. 1.500 м. (аёллар). Тоғ чанғиси— тез учиш (эркаклар) Кўрсатув тугагач (13.50)—Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Шимол маъзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». 15.30 «Москва комсомолининг ишлари». 16.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР—АҚШ терма командалари.

17.45 «Ўртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида ёлғиз шаҳардаги саргузашт». Телевизион бадиий фильм». Белорусфильм. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 1974 й. РСФСР халқ артисти. В. М. Леонтьевнинг киришган сўзи билан бошланади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сайловдан-сайловгача». 19.40 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР—Голландия терма командалари. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъатнинг сеҳрли кучи». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. «Ленфильм». 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50—00.20 Анна Герман куйлайди.

Узбекистон телевиденнесининг программалари.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Павел Корчагин образи». Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди?» романи асосида. Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус). 12.00 «Хушчақчақ дўстлар». Қўғирчоқ фильм. 12.25 Болалар учун. «Фонарик» (рус). 12.55 «Болагинам». Бадиий фильм. 14.10 «Касблар ҳақида ҳикойлар». Тошкент шаҳридаги 138-ҳунар-техника билим юртидан кўрсатув.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. (Польша). 18.30 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз». 18.55 «Меҳнат интизоми — ишчининг виждони». Октябрь революцияси заводидан репортаж. 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Ж. Шарипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ҳасан Ражабов куйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Олимда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.45 С. Васильенко. М. Ашрафий. «Бўрон» Операнинг саҳнага биринчи маротаба қўйилганлигининг 40 йиллиги олидан (рус.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Оила ҳуқуқи». 20.55 «Шу ерда рақсга ўргатишади». Хореография билим юртидан репортаж (рус.). 21.25 Абитуриентлар учун. Математика. 22.25 «Номингни унутма». Бадиий фильм. (Мосфильм ва «Иллюзион». (Польша).

16 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «АБВГДейка». 10.40 «Ота-оналар. Сиздар учун». 11.10 «Скрипка миниатюралари». Халқаро конкурслар лауреати О. Крис ижро этади. 11.25 «Қўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.55 «Спортлото» тиражи. 12.10 «Поэзия». 13.00 «Музикали абонемент». Ф. Шопен. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист, профессор В. Горностаева олиб боради. 13.45 «Москвичка». Телевизион клуб. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Қўёш омборхонаси». Кўрсатувни биологил фанлари кандидати Г. М. Проскурякова олиб боради. 16.15 «Киролича—тиш чўткаси». Мультфильм. 16.35 «Время» программасининг почтаси. Кўрсатувни шарҳловчилар Е. Синицин, Д. Беловлар олиб боради. 17.10 «Хатларингиз асосида». Музикали программа.

17.45 «Мўъжизасиз мўъжизалар». Кўрсатувни профессор С. П. Капица олиб боради. 18.55 В. Стефаника номли Ивано — Франковск педагогика институти «Гуцулочка» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 19.10 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Летунов олиб боради. 19.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Г. Венецианов. (Туғилган кунининг 200 йиллиги га). 20.30 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.30 «Санъат турлари. Театр». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг программалари

17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.): 17.45 Кинокэнг янгиликлари. 19.00 «Инсон. Автомобиль. «Йўл» — 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.40 Ёшлар учун ҳарбий спорт программаси. 20.40 «Абор» информацион программаси. 21.00 Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Ҳамроқулова куйлайди. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

17 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.05 «Будильник». 10.35 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.35 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. Кўрсатувни врач Ю. В. Белячикова олиб боради. 12.20 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.50 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали ёшлик». Кўрсатувни Э. Беляева олиб боради. 14.30 «Мангу даъват». Кўп сериляли телевизион бадиий фильм. 7-серия. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. «Мосфильм». 1977 й. 15.35 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. Канада — Финляндия терма командалари. 17.30 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 18.30 «Халқаро панорама». Интервидения. 19.15 «Чин қалбдан». Москва область милициясининг ходимлари билан учрашув. Кўрсатувни РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьева олиб боради. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 22.15 Хоккей. СССР—Польша терма командалари. Кўрсатув тугагач (24.00) — Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программалари.

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Баян ва халқ чолғу асбоблари ижрочи созандалари III Республика конкурси — гуруҳларининг якуловчи концерти. «Баҳор» концерти залида трансляция пайтида ёзиб олинган. 11.40 «Денгизлар, тоғлар ортида». Мультфильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 1979 йилги меҳнат семестри якунларига доир (рус.). 13.45 Кинолекториум. «Кўк дафтар». Бадиий фильм. 15.10 «Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Комариль». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Юлдузна». 19.10 «Шеърият дафтаридан». А. Орипов. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Наргиз». Катталар учун мультфильм. 20.00 «Карнай овози». Фильм-концерт премьераси. («Узбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёшлик» куйлайди. Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Киргизистон телевиденнесининг программаси.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран — болаларга. 16.50 «Ленинград булбуллари». Болалар учун фильм-концерт. 17.35 «Қизлар, коньки ва айиқлар». Цирк томошаси. 18.35 «Киргизтелефильм» кўрсатади. «Шаҳрим ҳақида қисса». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.05 Фильм-концерт. 19.25 «Инсон ва тафаккур» туркумидан телевизион фильмлар.

Киргиз тилида:

20.20 «Рассом ва замон». 21.00 Дам олиш концерти. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

ПРОРАБЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАХБАРЛАРИ, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚАТОР РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ МУҲИМ ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ЕТКИЗИЛГАНЛИГИ ВА ИШЛАБ ТУРГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ кабелнинг ҳар икки томонида 2 метрдан муҳофаза зонаси ажратилган.

Муҳофаза зонаси билан боғлиқ бўлган барча ишлар — тупроқ текислаш, траншея, шурф, котлован қазиш, шунингдек граждан бинолар қуриш — келишилган ҳолда, зарур бўлган тақдирда кабель хизмати вакили иштирокида бажарилиши керак.

Ана шу қоидани бузган ва шаҳарлараро алоқа кабелини шикастлантиришда айбдор бўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар. Улардан давлатга етказилган зарар ундириб олинади.

Қазиш ишларига рухсат халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари архитекторларидан олиниши керак.

Кабель трассаси ўтган жойларга темир-бетон устунчалар ва огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилган бўлиб: уларда кабель участкасининг адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Кабель зонасида, унинг яқинида ер қазиш ишлари ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение узели кабель участкасига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700097, Тошкент шаҳри, — 97, Чилонзор массиви, 6-квартал, 15«а»-уй. Телефонлар: 78-37-98, 78-35-10.

СССР Алоқа министрлиги 4-Иттифоқдош магистраль алоқа ва телевидение техник узелининг кабель участкаси қуйидаги адресга жойлашган: 700152, Тошкент шаҳри — 152, Чилонзор массиви, В—22, 11-уй. Телефонлар: 76-36-31; 76-36-37; 53-20-25; 53-64-14.

КЕЛИШМАСДАН ТУРИБ ҚАЗИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!

Алоқа кабель магистралига шикаст етказиш давлатга катта зарар етказади ва унда ишлаётганлар ҳаёти учун хавфлидир!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ.

«ТАШХЛЕБТОРГ»

КАФЕТЕРИЯ БЎЛИМЛАРИДА КОНДИТЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга 1- ва 2-ойда 52 сўм 50 тийин, 3-ойга эса 56 сўм стипендия берилади.

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар, Тошкент шаҳар, Янгийўл, Оржоникидзе, Калинин районларида пропискада бўлган қиз ва ўғил болалар қабул қилинади.

Курсларни битирганларга Совет савдоси техникумига ва савдо институтига киришлари учун имтиёзлар берилади.

Курсларга кирувчилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосуратларни топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 2-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри, 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекатлари), кадрлар бўлими, телефон 35-41-31.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети қошидаги ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун ўрта маълумотлилар ва 10-синф ўқувчилари қабул қилинадилар: математика, физика, химия, рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, француз тили.

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

Машғулотлар университет биносида (Студентлар шаҳарчаси) **ўзбек ва рус тилларида ҳафтада уч марта соат 19.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 17.00 дан 19.00 гача ТошДУ Бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават 501-хонасида қабул қилинади.**

«Средазтепломонтаж» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

футеровкачи-кислотаупорчи ва термоизоляция бўйича изолировкачиларни тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР (8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга разряд берилади ва улар «Монтажхимзашита» Тошкент бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпилков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефон: 56-45-46.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлик ёлғиз кишиларга депо яқинига жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо ишчилари форма кийими билан таъминланадилар (50 процент ҳақи тўланади).

ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш — муддати 15 кун. Стипендия тўланади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/II да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 12/II да **Томоша давом этади.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/II да **Ҳижрон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да **Биринчи бўса,** 12 /II да **Беш кунлик куёв.**

КИНО

11 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДИҚҚАТ, ВЕКАТ!» — **Қозоғистон.**

«БИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат: 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон: 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат: 33-44-52), **Москва** (17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат: 33-05-01), **Дружба** (21.00, телефон: 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 78-85-20), **Нукус** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70-69).

12 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДИҚҚАТ, ВЕКАТ!» — **Қозоғистон.**

«БИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат: 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон: 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат: 33-44-52), **Москва** (17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат: 33-05-01), **Дружба** (19. 21.00, телефон: 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 78-85-20), **Нукус** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат: 46-70-69).

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трестининг

I-ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электромонтажчилар, коммутатчилар, линиячилар, подстанциячилар, электрослесарлар, кабелчилар, рангли металлар бўйича электр пайвандчилар ва пайвандчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, автокранчилар, махсус машина ҳайдовчилари, шофёрлар ва электромонтаж ихтисосларига ўқиш учун касбга эга бўлмаган гражданлар

КЕРАК

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ишга ва ўқишга кираётганда имтиёзлардан фойдаланадилар. Зарур бўлганларга ётоқхона берилади.

Электромонтажчилар ишлари Тошкент шаҳридаги ҳамма районларда ва шаҳар атрофидаги саноат объектлари, маданий-маиший биноларда, турар жойлар ва метро қурилишида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

фрезерчилар, пармаловчилар, пайвандчилар ва газэлектр пайвандчилар, слесарь-йиғувчилар ва слесарь-ремонтчилар, токарлар ва универсал токарлар, созловчилар, темирчи-штамповкачилар, штамповкачилар, ишлаб чиқариш цехларига мастерлар

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари устоз, ошпаз, меҳнат ветерани

Эгамберди РАСУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбат чилари— 33-90-50.

11 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р — 13704. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2051 5